

# Turkiston

1925-yildan chiqqan boshlagan

«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati Markaziy Kengashining nashri

www.turkiston.uz

2013-yil 8-mart, juma № 19 (15657)

## ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Муҳтарама онахонлар, қадрли опа-сингиллар, дилбар қизларим! Табиат уйғониб, тобора чирой очаётган мана шу шукуҳли айёмда сиз, азизларни, сизлар орқали бутун Ўзбекистон аёлларини 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни билан чин қалбимдан муборақбод этиб, эзгу тилаklarимни билдиришдан бахтиёрман.

Биз ҳаёт фалсафаси, маъно-мазмун ва гўзаллигини биринчи навбатда барчамизни дунёга келтирган, оқ ювиб, оқ тараб вояга етказган муқаддас Она сиймосида, аёл тимсолида кўрамиз, аёл зоти-ни Яратганнинг тенгсиз мўъжизаси, деб улуғлаймиз.

Ҳақиқатан ҳам, гўзаллик ва нафосат, меҳру муҳаббат, вафо ва назокат рамзи бўлган, ўзининг меҳрибонлиги, қалб саховати билан ҳар қайси оилани оила қиладиган, унга файзу тароват берадиган, фарзандларимиз юрагига ўз она юртига севги ва садоқат туйғусини сингдирадиган аёлларимизнинг бетакрор фазилатлари ҳақида ҳар қанча гапирсак, уларни ҳар қанча эъзозласак, арзийди, десам, ўйламанки, бугун барча юртдошларимнинг кўнглидаги фикрларни ифода этган бўламан.

Қадрли опа-сингиллар! Барчамизга аёнки, дунёда давлат ва жамиятнинг нуфузи, маданий даражасини кўрсатадиган мезонлар кўп. Лекин ҳар қайси миллат ва халқнинг маънавий камолотини яққол акс эттирадиган шундай бир мезон борки, у ҳам бўлса, жамиятнинг хотин-қизларга бўлган муносабати, ҳурмати билан белгиланади.

Шу маънода, аёлларни улуғлаб, ардоқлаб, бошига кўтариб яшайдиган халқ ўзининг юксак маданияти ва олижаноб кадриятларини амалда намён қиладиган ва тасдиқлайдиган халқ сифатида обрў-этибор қозонади, десак, янглишмаган бўламиз.

Мустақил тараққиёт йилларида Ўзбекистонимизни ҳар томонлама раванқ топтириш, олдимизда турган эзгу мақсадларга эришиш йўлида бутун халқимиз қатори хотин-қизларимизнинг беқиёс ҳиссаси борлигини биз ҳаммиша миннатдорлик билан таъкидлаймиз.

Азалдан муҳтарама аёлларимизга хос бўлган меҳнатсеварлик, меҳрибонлик, шукроналик ва орас-талиқ, рўзгорни, умуман, оила ҳаётини оқилана бошқариш фазилатлари энг юксак таҳсинларга сазовордир.

Айни вақтда давлат идоралари бошқарувида ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизда — ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, илм-фан, маданият каби турли жабҳаларда, хусусан, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, «Соғлом она — соғлом бола» сингари бутун дунёда тан олинган дастурларимизни амалга оширишда опа-сингилларимизнинг ибрат кўрсатиб, самарали меҳнат қилаётганини мамнуният билан эътироф этамиз.

Шу борада биргина мисол — мамлакатимиз иқтисодиётининг барча соҳа ва тармоқларида меҳнат қиладиган аҳолининг 50 фоизга яқинини айнан хотин-қизлар ташкил этаётганининг ўзи кўп нарсани англатади, деб ўйлайман.

Албатта, биз опа-сингилларимизнинг меҳнат ва турмуш шароитларини янада яхшилаш, оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, фарзандларимиз, айниқса қиз болаларнинг замонавий билим ва касб-ҳунар, илм-фан чўққиларини эгаллаб, ҳаётдан муносиб ўрин олишлари учун бошлаган ишларимизни изчил давом эттиришимиз кераклигини яхши тасаввур этамиз.

Юртимизда 2013 йилга «Обод турмуш йили» деб ном берганимиз ва шу асосда давлат дастури қабул қилганимиз замирида аввало ана шундай амалий ишларимизни янги, юксак босқичга кўтаришдек эзгу мақсад мужассамдир.

Жорий йилда давлат бюджети харажатларининг қарийб 60 фоизини ижтимоий соҳаларга йўналтириш, иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендиялар миқдорини ўртача 23 фоизга ошириш бўйича белгилаб олган режаларимиз, ҳеч шубҳасиз, бу йўлда яна бир салмоқли қадам бўлади.

«Обод турмуш йили» Давлат дастурида оила институтини мустаҳкамлаш, аёлларнинг жамият ҳаётидаги роли ва нуфузини юксалтириш, уларнинг қобилият ва имкониятларини рўйбга чиқариш, хотин-қизларни, хусусан, қишлоқ жойларда иш билан таъминлаш, оилавий бизнес ва касаначиликни ривожлантириш, аёлларга кредит ажратиш орқали уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш каби биз учун устувор бўлган вазифаларга алоҳида ўрин берилгани айниқса эътиборлидир.

(Давоми 2-бетда)



ЎзА суратлари

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

## ЗУЛФИЯ НОМИДАГИ ДАВЛАТ МУКОФОТИ БИЛАН ТАҚДИРЛАШ ТЎҒРИСИДА

Юртимизда мўътабар аёл зотига муносиб ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, уларнинг ижтимоий ҳаётимиздаги ўрни ва нуфузини ошириш, баркамол хотин-қизлар авлодини вояга етказиш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Зулфия номидаги Давлат мукофоти» таъсис этиш бўйича таклифларни қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги 1999 йил 10 июндаги Фармонида мувофиқ қабул қилинган Низомга асосан:

1. Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ҳузуридаги Зулфия номидаги Давлат мукофоти комиссиясининг аъло хулқи, зукколиги, ўқишдаги муваффақиятлари, ташаббускорлиги билан ноёб истеъдодини намён этаётган ҳамда адабиёт, маданият, санъат, таълим

ва спорт соҳаларидаги алоҳида ютуқлари учун Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг иқтидорли қизларини Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирлаш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин (рўйхат илова қилинади).

2. Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланганларга 8 март — Халқаро хотин-қизлар байрамига бағишлаб ўтказиладиган тантаналарда совриндорлик дипломлари ва кўрак нишонлари топширилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Зулфия номидаги Давлат

мукофоти совриндорларининг ҳар бирига энг кам ойлик иш ҳақининг 50 баравари миқдоридан пул мукофоти берилишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ҳамда Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигига Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаларининг ибратли фаолияти, уларнинг ноёб истеъдоди ва эришган ютуқларини кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э.Баситханова зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Тошкент шаҳри  
2013 йил 2 март

И.Каримов

# ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

(Давоми,  
боши 1-бетда)

Халқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини янада ошириш мақсадида замонавий ишлаб чиқариш корхоналари, шифохоналар, таълим-тарбия, маданият ва санъат, спорт масканлари, коммуникация тармоқлари, савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларини қуриш, янги турар-жойлар, жумладан, қишлоқларимизда намунавий лойиҳалар асосида 10 мингта уй-жой барпо этиш, катта ҳажмда ободончилик ишларини

амалга ошириш кўзда тутилмоқда.

Шулар қаторида аёлларимизнинг оғирини енгил қилиш масаласи ҳам, табиийки, эътиборимиз марказида бўлди. Хусусан, хотин-қизларнинг уй-рўзғор юмушларини енгиллатиш мақсадида мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маиший техника ва зарур товарларни харид қилиш учун бериладиган истеъмол кредитлари ҳажмини 1,3 баробар ошириш мўлжалланаётганини қайд этиш жоиз.

Бундай улкан режаларни ҳаётга татбиқ этиш учун 6

триллион 650 миллиард сўмдан зиёд маблағ йўналтирилаётганининг ўзи бутун ҳаётимизни қамраб оладиган кенг кўламли мақсад ва вазифаларни яққол ифода этади, десам, айтиш ҳақиқатни айтган бўламан.

Азиз опа-сингилларим, қадрли қизларим!

Айни шу дамларда қалбимда, юрагимда сизларга доимо сақланиб келаётган чуқур ҳурматимни изҳор этиб, бир фикрни билдирмоқчиман.

Аёл зотига, айнан сизларга мансуб гўзал фазилатлар,

ҳаётимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик ва меҳр-оқибат муҳитини мустақамлаш, ҳамжиҳатлик ва аҳиллик каби инсоний туйғуларни янада юксалтириш, фарзандларимизни соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш йўлидаги эзгу интилишларингиз, беқиёс хизматларингиз учун бутун юртдошларимиз, халқимиз номидан барчангизга таъзим қилишни ўзимнинг шарафли бурчим, деб биламан.

Яна ва яна бир бор сизларни баҳор ва нафосат айёми бўлмиш 8 март байрами билан самимий табриклайман.

Умрингиз узоқ, ризку насибанингиз зиёда бўлсин!

Ҳамиша толеингиз баланд бўлсин!

Хонадонларимиздан шоду хуррамлик, қут-барака ариماسин!

Халқимиз, Ватанимиз, фарзандларингиз бахтига доимо омон бўлинг, азизларим, меҳрибонларим!

**Ислом КАРИМОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 2 мартдаги ПҚ-1930-сон қарорига илова

## ЗУЛФИЯ НОМИДАГИ ДАВЛАТ МУКОФОТИ

### БИЛАН ТАҚДИРЛАНГАНЛАР РЎЙХАТИ



**Оразимбетова Айшолпан Муратбай қизи**



**Абдусаломова Саидабону Зиёвуддин қизи**



**Жўрабекова Нафосат Улуғбек қизи**



**Матмуратова Ирода Бахтиёр қизи**



**Абдуллаева Гулҳаё Абдуллаевна**



**Тўймуродова Нигора Фофур қизи**



**Рашидова Шохиста Расул қизи**



**Суярова Камила Собировна**



**Абдурасулова Маҳзуна Шавкат қизи**



**Шайдуллаева Сарвиноз Жуманазаровна**



**Тоирова Мухаббатхон Махмуд қизи**



**Умаралиева Фаридaxon Мухсинжон қизи**



**Роҳатова Сабоҳат Умидбек қизи**



**Рўзиева Робия Нажот қизи**

**Оразимбетова Айшолпан Муратбай қизи** — Қорақалпоқ давлат университетининг 1-босқич талабаси

**Абдусаломова Саидабону Зиёвуддин қизи** — Андижон вилояти Олтинкўл агроиқтисодиёт коллежининг 2-босқич ўқувчиси

**Жўрабекова Нафосат Улуғбек қизи** — Бухоро давлат университети қошидаги 3-академик лицейининг 1-босқич ўқувчиси

**Матмуратова Ирода Бахтиёр қизи** — Жиззах давлат педагогика институтининг 3-босқич талабаси

**Абдуллаева Гулҳаё Абдуллаевна** — Республика рассомлик коллежининг 3-босқич ўқувчиси (Қашқадарё вилояти)

**Тўймуродова Нигора Фофур қизи** — Навоий давлат педагогика институти қошидаги академик лицейининг 2-босқич ўқувчиси

**Рашидова Шохиста Расул қизи** — Наманган транспорт ва ахборот технологиялари касб-хунар коллежининг 2-босқич ўқувчиси

**Суярова Камила Собировна** — Самарқанд педагогика коллежининг 2-босқич ўқувчиси

**Абдурасулова Маҳзуна Шавкат қизи** — Гулистон давлат университети қошидаги 1-академик лицейининг 2-босқич ўқувчиси

**Шайдуллаева Сарвиноз Жуманазаровна** — Сурхондарё вилояти Ангор педагогика коллежининг 3-босқич ўқувчиси

**Тоирова Мухаббатхон Махмуд қизи** — Тошкент вилояти Бекобод маиший хизмат касб-хунар коллежининг 3-босқич ўқувчиси

**Умаралиева Фаридaxon Мухсинжон қизи** — Фарғона вилояти Данғара саноат касб-хунар коллежининг 3-босқич ўқувчиси

**Роҳатова Сабоҳат Умидбек қизи** — Хоразм вилояти Хонқа маиший хизмат ва ахборот технологиялари касб-хунар коллежининг 2-босқич ўқувчиси

**Рўзиева Робия Нажот қизи** — Тошкент молия институти қошидаги академик лицейининг 1-босқич ўқувчиси

# ОИЛАДА — ОҚИЛА, ЖАМИЯТДА — ФАОЛ

«Туркистон» саройида 7 март куни Халқаро хотин-қизлар байрами муносабати билан тантанали тадбир бўлиб ўтди

Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини, ижтимоий фаоллигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро, турмушимиз ободлиги ва фаровонлиги, жамиятимиздаги ҳамжиҳатлик ва осойишталик кўп жиҳатдан опа-сингилларимизга боғлиқ.

«Туркистон» саройида 7 март куни тантанали тадбир бўлиб ўтди. Саройга турли соҳаларда самарали меҳнат қилаётган аёллар, хотин-қизлар кўмиталари фаоллари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари, сенаторлар, депутатлар, вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари таклиф этилди.

Тадбир иштирокчилари дастлаб Мустақиллик майдонида бўлиб, хурриятимиз, порлок истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи — Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйдилар.

Тантанали йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокими Р.Усмонов очди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг Ўзбекистон хотин-қизларига байрам табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар кўмитаси раиси Э.Боситхонова Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида хотин-қизларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларга муносиб шарт-шароитлар яратиш, қобилиятини рўёбга чиқариш, оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар юксак самаралар бераётганини таъкидлади.



Давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 25 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллигини янада ошириш, уларнинг таълим олиши, меҳнат қилиши, ўз билими ва қобилиятини намоён этиши учун кенг шароит яратиш борасидаги ишларни такомиллаштиришда муҳим омил бўлаётди. Юртимизда тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини янада яхшилаш, аёллар, айниқса, ўсмир қизлар саломатлигига эътиборни кучайтириш, туғруқ ёшидаги аёлларни ихтисослаштирилган тиббий кўриқдан мунтазам ўтказиш, жамиятда «Соғлом она — соғлом бола» тамойилини кенг қарор топтиришга оид ишлар изчил давом этмоқда.

Таълим тизимининг барча бўғинларида жорий этилган «Ораста қизлар» тўғаракларининг фаолияти қизларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, уларнинг жамият олдидики

ижтимоий масъулиятини ошириш, маънавиятини юксалтиришга ҳисса қўшмоқда. Президентимизнинг 2012 йил 9 июлда қабул қилинган «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари меҳнатини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони маҳаллаларда хотин-қизлар билан ишлаш, оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш, ёшлар тарбиясига оид ишлар самарадорлигини янада оширишда муҳим омил бўлмоқда.

Давлатимиз раҳбари томонидан Обод турмуш йили деб эълон қилинган жорий йилда хотин-қизлар учун муносиб шароитлар яратиш, оғирини енгли қилиш, ўсмир қизлар соғлиғи ҳақида алоҳида ғамхўрлик кўрсатишга оид ишлар кўлами ортмоқда.

Президентимиз ташаббуси билан таъсис этилган Зулфия номидаги Давлат мукофоти фан, таълим, санъат ва маданият, адабиёт йўналишида ўз тенгқурларига ибрат бўлаётган иқтидорли қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг

эзгу орзу-интилишларини рўёбга чиқаришда қанот бўлмоқда. Йиғилишда жорий йилда Президентимиз қарорига биноан Зулфия номидаги Давлат мукофоти сазовор бўлган қизларга ушбу юксак мукофотлар тантанали равишда топширилди.

— Қизлари доимий меҳрардоқда, эъзозда бўлган, беғубор орзу-интилишларга қанот бағишлаётган шу муқаддас Ватанда туғилиб, вояга етганидан фахрланаман, — дейди Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндори, Жиззах давлат педагогика институти жисмоний маданият факультети 3-курс талабаси Ирода Матмуродова. — Юртбошимиз томонидан билдирилган бундай юксак ишонч ва эътиборга аъло ўқиш, ҳалол меҳнат билан жавоб бериш бизнинг фарзандлик бурчимиздир.

Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари — Қорақалпоқ давлат университети журналистика факультети 1-босқич талабаси Айшолпан Оразимбетова, Сурхондарё вилояти Ангор педагогика кол-

лежи 3-босқич ўқувчиси Сарвиноз Шайдуллаева хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаоллигини янада ошириш борасида кўрсатаётган доимий эътибори ва ғамхўрлиги учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирди. Зулфияхоним издошлари сафига қўшилган қизлар — Бухоро давлат университети қошидаги академик лицейнинг 1-босқич ўқувчиси Нафосат Жўрабекова, Андижон вилояти Олтинқул агроиқтисодиёт коллежи 2-босқич ўқувчиси Саидабону Абдусаломова Ўзбекистон халқ шоири Зулфиянинг «Мушоира» шеърини ўзбек ва инглиз тилларида ўқиб берди.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Шерзод Гуломов, Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлимининг раиси Жавдат Иноғомов мамлакатимизда хотин-қизларни эъзозлаш борасидаги ишлар Ватанимизни янада обод этиш, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, оилалар фаровонлигини таъминлашдек эзгу мақсадларга хизмат қилаётганини таъкидлаб, хотин-қизларни байрам билан табриклади.

Сарой фойесига миллий хунармандликни ривожлантиришга оид кўргазма ташкил этилди.

Кечада санъат усталари ва ижрочи ёшларнинг байрам концерти намойиш этилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси И.Собиров, Қонунчилик палатаси Спикери Д.Тошмухамедова, Ўзбекистон Республикаси Бош вазир Ш.Мирзиёев иштирок этди.

Назокат УСМОНОВА,  
ЎЗА мухбири

## ХАЛҚАРО ГРОССМЕЙСТЕРГА ПРЕЗИДЕНТ СОВҒАСИ ТОПШИРИЛДИ

8 март — Халқаро хотин-қизлар кунини арафасида шахмат бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси, халқаро гротсмейстер Нафиса Мўминовага мамлакатимиз Президенти совғаси топширилди.

Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида болалар спортини ривожлантиришга қаратилаётган юксак эътибор самарасида мамлакатимиз ёшлари болалардан спорт билан шуғулланиб, соғлом ва баркамол бўлиб вояга етмоқда, халқаро майдонларда юксак натижаларга эришмоқда.

Буни фарғоналик шахматчи Нафиса Мўминова мисолида ҳам кўриш мумкин.

Нафиса тўрт ёшлигидан спортга меҳр қўйиб, шахмат уйнашни кунт билан ўрганди. 2002 йилда

ўн икки ёшгача қизлар ўртасида Ўзбекистон чемпиони бўлди. 2007 йилда минтақавий саралаш мусобақасида биринчи ўринни эгаллаб, жаҳон чемпионатида йўлланма олди. Дунёнинг энг кучли 64 шахматчиси дона сурадиган ушбу турнирда қатнашиш учун Марказий Осиё минтақасига ажратилган ягона йўлланмани қўлга киритди ва ўзбек хотин-қизларидан катталар ўртасидаги жаҳон чемпионатида иштирок этган биринчи спортчи бўлди.

Олти йилдан буён Ўзбекистон терма жамо-

аси сафида халқаро мусобақаларда иштирок этиб келаётган Нафиса 2008 йилда 18 ёшгача бўлган қизлар ўртасида Осиё чемпионатида кумуш медални қўлга киритди. Кўплаб халқаро турнирларда хотин-қизлар ўртасида биринчи ўринни эгаллади. 2010 йилда йигирма ёшгача бўлган қизлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида кучли тўртликдан жой олди. Хитойнинг Гуанчжоу шаҳрида ўтган ёзги Осиё ўйинларининг жамоавий баҳсларида терма жамоамиздаги дугоналари — Ольга Собирова, Юлдуз Хамроқулова, Нодира Нодиржоновна билан бирга кумуш медални қўлга киритди. 2011 йили I Марказий Осиё кубоги ва 2012 йил Тошкентда ўтка-

зилган «Тошкент опен» халқаро шахмат турнирида хотин-қизлар ўртасида голиб бўлди.

Халқаро шахмат федерацияси яқинда Нафиса Мўминовага халқаро гротсмейстер унвони берилганини эълон қилди.

Ўзбек қизлари ўртасида биринчи бўлиб халқаро гротсмейстер унвонини қўлга киритган Нафиса Мўминовага Президентимиз Ислон Каримов совғаси — замонавий компьютер билан тақдирланди. Ана шу муносабат билан Ўзбекистон Шахмат федерациясида бўлиб ўтган тадбирда Президентимиз совғасини Нафиса Мўминовага Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси ўринбосари Ж.Қосимов топширди.



— Ўзбекистон ёшлари, жумладан, спортчи ёшларимиз эришаётган мамлакат ва халқаро миқёсдаги юксак натижалар истиқлолимиз шарофати ва давлатимиз раҳбарининг эътибори ва ғамхўрлиги туфайлидир, — деди халқаро гротсмейстер Н.Мўминова. — Президентимиз совғасини олиш ҳар бир спортчи учун улкан шараф ва бундай бахт менга ҳам насиб этганидан жуда хурсандман. Юртбошимиз Рус-

там Қосимжоновга ҳам замонавий компьютер совға қилган эдилар. Бунинг самарасида Рус-там Қосимжонов жаҳон шахмат тожини қўлга киритди. Жаҳон чемпиони бўлиш — менинг ҳам олий мақсадим. Давлатимиз раҳбарининг ёшлар камолотига қаратаётган юксак эътибори бизнинг кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшади.

Зоҳир ТОШХҲАЕВ,  
ЎЗА мухбири



8-mart — Xalqaro xotin-qizlar kuni

Ijod parvozi

# Орзулари ушалаётган қиз

Жаҳон бозорида рақобат тобора кучайиб бораётган бугунги кунда сифат менежменти муҳим аҳамият касб этмоқда. Ҳар бир корхона барқарор ривожланиш, ўз маҳсулотларининг сифати ва рақобатдошлигини таъминлаш учун ушбу соҳа вакиллари ёрдамига таянмоқда. Шу боис бундай мутахассисларга талаб тобора ортаётир.

Тошкент кимё-технологиялар институти талабаси Дилрабо Элмуродова ҳам шу соҳани танлаган. Бунда унинг оиласидаги муҳит муҳим роль ўйнади. У болалигида отаси Ғайрат Саидмуродов меҳнат қиладиган «Оҳангароншифер» корхонасига тез-тез бориб турар, у ердаги иш жараёнини кизиқиш билан кузатар эди. Хомашёдан тайёр маҳсулот яратилгунгача бўлган жараённинг ўзига хос хусусиятларини ўрганишга ҳаракат қиларди.

Бир кун у отасидан маҳсулотнинг сифатини таҳлил қиладиган мутахассис бўлиш учун қайси фанларни яхши билиш кераклигини сўради ва билгач, табиий ва аниқ фанларни алоҳида меҳр билан ўқий бошлади. Мак-

табни тугатиб, Тошкент вилоятидаги Янгиобод радиотехника коллежга ўқишга кирди. Коллежда таҳсил олаётган йилларида информатика фанидан республика олимпиадасида муваффақиятли иштирок этиб, иккинчи ўринни эгаллади. Бу ютуқ кизчанинг ўзига бўлган ишончини янада мустаҳкамлади.

Дилрабо Элмуродова коллежни аъло баҳолар билан тугатиб, 2009 йилда Тошкент кимё-технологиялар институтига ўқишга кирди.

Институтда илм-фан ва амалиёт сирларини чуқур ўрганиш учун кенг шарт-шароит яратилган. Ахборот-ресурс марказида барча йўналишлар бўйича ўқув-услубий, илмий адабиётлар мавжуд. Интернет тармоғига уланган компьютерлар орқали дунёнинг тараққий этган давлатларидаги сўнгги илмий-амалий янгиликлар билан бевосита танишиш мумкин. Мамлакатимиздаги йирик sanoat корхоналари билан йўлга қўйилган ҳамкорлик алоқалари таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш, талабаларни амалиёт жараёнлари билан бевосита таништиришда муҳим омил бўлаётир.

Дилрабо хорижий тилларни яхши билгани боис, интернет тармоғидан ўзини кизиқтирган маълумотларни осонгина топади ва улардан самарали фойдаланади.

— Дарсдан бўш вақтимни институтимизнинг ахборот-ресурс марказида ўтказаман, — дейди Дилрабо Элмуродова. — Интернет орқали кимё санати жадал ривожланган мамлакатларда байтнинг соҳамиз бўйича эришилаётган ютуқларга оид маълумотларни кизиқиш билан ўрганаман.

Ҳозирги кунда Д.Элмуродова интеграциялашган менежмент тизимларини жорий қилган корхоналарда ички аудитларни режалаштириш ва ўтказиш мавзуда илмий тадқиқот олиб бормоқда. Илмий тажрибасини институт базаси ҳамда «Ўзстандарт» агентлигига қарашли Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш илмий-тадқиқот институти тажриба-синов лабораториясида олиб бормоқда.

— Дилрабонинг илмий изланишлари мамлакатимизда тобора ривожланиб бораётган хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес корхоналарида ISO-9001

халқаро сифат менежменти тизимини жорий этишга йўналтирилгани билан ҳам аҳамиятлидир, — дейди Тошкент кимё-технологиялар институтининг менежмент ва касб таълими факультети декани, кимё фанлари доктори, профессор Ғофур Ҳамроқулов. — Ҳозир бир қатор йирик корхоналаримизда бу тизим жорий этилган. Бунинг натижасида корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш кўлами ошмоқда, сифат, самарадорлик ва экспорт ҳамжи юксалиб бораётир.

Мустақиллигимиз билан ҳамқадам қамолга етаётган навниҳол кизнинг таълим ва фан соҳасидаги эришаётган ютуқлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендияси танловида муносиб баҳоланди. Д.Элмуродова ушбу юксак танловнинг 2012/2013 ўқув йили учун бакалаврият таълими йўналишида техника ва информатика соҳаси бўйича голиб бўлди.

Дилрабо келгусида магистратура босқичида таълим олиш ва илмий изланишларини изчил давом эттириш ниятида.

**Баҳор ХИДИРОВА,**  
**ЎЗА муҳбири**

## Суратларда сўнмас гўзаллик



Бир оилада беш мусаввир. Ҳаммаси ўзига хос йўналиш, услуб соҳиби. Оила бошлиғи Абдуғани Қосимов ва рафиқаси Ноила Раҳимова уч нафар фарзанди қўлига мажбурлаб қалам тутқазмаган. Болалиқдан ота-онаси қўлида мўйқалам кўриб, табиатнинг улар нусха олган турфа жилосидан ҳайратланиб улғайган фарзандлар, истеъдодли тенгдошларимиз Наргис, Шохрух ва Сарвиноз ўзларига муносиб йўл деб санъатни танлади.

«Баҳор шудринги» кўргазмаси мана шу иттилишлар, изланишлар, улкан ҳавас ва санъатга фидойилик ҳосиласи. Ундан ўрин олган турли жанрдаги суратларни томоша қиларкансиз, ҳар хил манзаралар, чехралар, теран ифода ва ўзига хосликдан фалсафий маъно топасиз. Расомнинг ўғли, истеъдодли ёш мусаввир Шохрух Қосимов чизган «Баҳор» суратида она заминимиз жийрон от, баҳор эса сочларига анвойи гуллардан жамалак таққан, тулпор ёлларига ёноқ босган сохибжамол киз қиёфасида гавдаланади. Яна бир сурат — «Сўнгги сабоқ» асарида Алишер Навоий, шоирнинг ўнг тарафида Камолиддин Бехзод, чап томонида Мўмин Мирзо тасвирланган. Тарихдан хабардор киши бу сурат замиридаги чуқур таъсирчан оҳангни сўзсиз илғайди. Суратда аллома шоирнинг сўнгги бор суҳбатини олган маҳзун қисмат сохиби, зукко Мўмин Мирзога урғу берилганини иллаган томошабин мутаассир бўлади.



— Бу кўргазмада кўплаб расмлар қатори устозимиз Ноила Раҳимованинг «Булутли кун» сурати менда катта таассурот қолдирди, — дейди Республика ихтисослаштирилган санъат мактаби ўқувчиси Аббос Тўраев. — Расм манзара жанрида чизилган. Унда акс этган қир-адирлар, осмонда сузиб юрган булутлар, қояда укаси билан табиатни томоша қиладиган киз тасвири аниқ ифодаланган. Мен ҳам турли мавзудаги суратлар чизаман. Устозларимизнинг, ака-опаларимизнинг кўргазмасини томоша қилиб, келгусида мактабимизда илк кўргазмамни тақдим этишни ният қилдим.

Кўргазма санъатни нозик туйғу билан тушунадиган ҳар бир томошабинга манзур бўлди. Кўплаб ўсиб келаётган, ижодкор ёшлар қалбига ёруғ ниятлар уругини қадади.

**Хайриддин МУРОД,**  
**«Turkiston» муҳбири**

## Шижоатли аёллар

**Тўмарис, Бибихоним, Нодирабегим, Увайсий, Зулфияхоним ва бошқа кўплаб буюк сиймоларни эҳтиром билан тилга оламиз. Энг муҳими, уларга хос бўлган мардлик, самимийлик, қалби тозалик, олижаноб фазилатлар бугун ҳам азиз опа-сингилларимиз сиймосида ўз аксини топмоқда.**



8 март — Халқаро хотин-қизлар кунини муносабати билан пойтахтимиздаги Мустақиллик ва эзгулик монументига ана шундай аждодларимизнинг ворислари саёҳат уюштиришди. Улар Куролли Кучларимиз сафида Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди каби буюк саркардаларнинг издошлари билан елкамаелка туриб меҳнат қиладиган бир гуруҳ ҳарбий хизматчи аёллар эди.

Хусни таровати ва ақл-заковати-га мос, ҳарбий либосда шахдам қадамлар билан одимлаб келаётган ҳарбий аёлларни байрам билан табриклаш, дилдаги гапларини эшитиш

учун уларга пешвоз чиқдик. Ҳарбий аёллардан бири, шартнома асосида хизмат қиладиган оддий аскар Ойбахор Суюновадир.

— Аввало, юртимиздаги барча аёлларни Халқаро хотин-қизлар байрами билан табриклайман, — дейди Ойбахор опа. — Уларга баҳорий кайфият, хонадонларига тинчлик-хотиржамлик, файзу барака тилайман. Мен ҳам тўққиз йилдан буён ушбу байрамни ҳарбийлар сафида нишонлаб келяпман. Ҳарбий соҳада ишлаш машаққатли туюлса-да, мен учун шарафли касб. Оиламизни ҳарбийлар оиласи деб ҳам айтиш мумкин. Тур-

муш ўртоғим ҳарбий хизматда ишлаб, ҳозирги кунда нафақага чиққан. Ўғлим эса ҳарбий хизматда. Хизматимиз юртимизнинг барча ҳудудларида бўлиши мумкин. Шундай пайтларда бироз қийинчилик сезсам, турмуш ўртоғим маслаҳат бериб, суянчик бўлади.

Кичик сержант Наргиза Норхўжаева ҳам ўн тўрт йилдан буён Куролли Кучларимиз сафида ҳарбий хизматни шартнома асосида ўтаб келмоқда. Яқинда у ҳарбий хизматчи аёллар ўртасида ўтказилган «Аёллар спартакиадаси»да учинчи ўринни эгаллади. Бундай ҳарбий хизматчи аёлларни кўплаб санаш мумкин.

Юртбошимиз таъкидлаганидек, «Оилани ҳам, жамиятни ҳам бирлаштириб, унга файзу барака киритадиган, хонадонларимизни меҳр-муҳаббат, нафосат, эзгулик нури билан мунаввар қиладиган зотлар ҳам, аслида, мўйтабар оналаримиз, мунис опа-сингилларимиздир».

Дарҳақиқат, фарзанд тарбияси, оиладаги файзу барака, меҳр-муҳаббатни яратадиган, унга маъно ва мазмун бахшида этадиган, ҳаёт синновларига, машаққатларига ўзининг мустаҳкам иродаси ва сабр бардоши билан қалқон бўладиган ҳам аёлдир. Шундай экан, аёлларимизга бўлган чексиз ҳурмат-эҳтиром, самимий муносабат ҳар доим қалбимизда, юрагимизда жўш уриб турсин.

**Рустам ЮСУПОВ,**  
**«Turkiston» муҳбири.**  
Сардор Муллажонов олган сурат

*Қизил гўл гаман ичида ҳам кўзга ташланиб туради.*



# Сизга, азиз ва сеvimли инсонларга!

## Йигитлардан табриklar гулдастаси

Хурматли йигитлар, қадрдон жўралар! Келинг, айём баҳона, яъни опа-сингилу онажонларимиз байрамни зўр кайфият билан нишонлаётган кезларда ўзимиз алоҳида, «юзма-юз» гаплашиб оламиз.

Сиз билан бизнинг битта, ўзимизга кичкина кўринадиган камчилигимиз бор. Биласизми, нима? Сиз билан биз ҳар доим ҳам яхши кўрган инсонларимизга меҳр изҳор қилавермаймиз. Мана, сиз, холангизни байрам билан табриклагингизми? Аммангизни-чи? Уларнинг ўз ўғиллари бор-ку, дейсизми? Уларнинг йўриғи бошқа, сиз, суюкли жиянларининг дил сўзлари бошқа эмасми? «Айбингиз»ни очиб қўйганим учун маъзур тутинг, камина ҳам ҳали ҳамма сеvimли инсонларини табриклар бўлгани йўқ. Келинг, бу ишни очиқ-ошкор амалга оширамиз. Бунда бизга тенгдошу ака-укаларимиз йўллаган мана бу табрикхатлар бир намуна бўлсин. Нима дейсиз?.. Демак, навбат дилномаларга.

## Ширин кўллар

Дунёда энг ширин неъмат нима, деб сўрасалар, мен онам пиширган ҳамма нарса ширин, деб жавоб бераман.

Хайрон қоламан, энг қимматбаҳо ноз-неъматлар ҳам оналар ёлган кичкина кулчанинг таъмини бермайди-я. Бу ҳам бўлса, азиз онажонларимизнинг фарзандлари учун бор меҳрини аямаганликларидан бўлса керак.

Азиз онажон! Ун тўққизга кириб, сиз учун ҳеч қачон, ҳатто байрамингизда ҳам бирор нарса тайёрлаб бермабман. Бу йил ўша «анъана»мни бузмоқчиман. Сиз ва қадрдон онажоним учун 8 март оқшомида палов пишириб бераман. Биламан, у барибир сиз пиширганчалик мазали бўлмас, лекин у сизга, албатта, ёқади, деб ўйлайман.

Сизни ҳамиша яхши кўрувчи ва ардоқловчи ўғлингиз:

**Хайитмурод Абраҳматов,**  
Нишон саноат-электр касб-хунар коллежи ўқувчиси

## Гулдан гўзалроқсизлар

Аёлни гулга қиёслайман, унга эътибор берганинг сайин очилиб бораверади. Аслида, аёл, она, бувижону опа-сингилларсиз ҳаётимнинг бир кунини ҳам тасаввур қилишим қийин.

Мустақил юртимиз Ўзбекистонда аёлларга алоҳида эҳтиром кўрсатиларди. Оиладагина эмас, балки турмушимизнинг турли жабҳаларида уларнинг ўрни, аҳамияти бўлакча. Бугун сенатор ва депутатлар, тадбиркор ва фермерлар, архитектор ва олимлар орасида кўплаб аёлларни учратиш мумкин. Мен таълим олаётган Тошкент давлат юридик институтида ҳам аёл профессор-ўқитувчилар, кафедра мудирлари фаолият кўрсатишади. Уларнинг таълимини олиш шахсан ўзим учун катта бахтдир.

Айни пайтда ўқиш ёки профессионал фаолиятда дейсизми, хотин-қизларнинг фаоллиги, тиришқоқлиги ва ташаббускорлигини кўриш мумкин. Юртимизда ёшлар учун ўтказилаётган турли танловларнинг голиб ва совриндорлари орасида ҳам қизлар оз эмас. Масалан, ҳар йили улардан энг иқтидорлилари Зулфия номидаги Давлат мукофоти, Ниҳол мукофоти, номдор стипендиялар ва Президент давлат стипендияси, «Келажак овози» мега-танлови, «Камолот» стипендияси ва «Камолот» гранти совриндорлари бўлишмоқда. Бу ҳол, ўйлайманки, барчамиз учун бирдай фахрли ва ёқимлидир.

Фурсатдан фойдаланиб, нафосатли, ақлли, зукко ва мафтункор аёлларни байрам билан муборакбод этаман. Бахтимизга доимо соғ-саломат бўлинг.

**Алижон Ваҳобов,**  
Тошкент давлат юридик институти магистранти,  
«Камолот» стипендияси соҳиби

Барча галабаларимиз сиз учун!



Футбол нафақат мухлислар, шу билан бирга, мухлисалар билан ҳам гўзалдир. Майдонга оналаримиз, дуоғўй бувижонларимиз, меҳрибон опа-сингилларимиз учун ҳам ёниб тушамиз. Ўзимизнинг энг яхши ўйинларимизни кўрсатишга ҳаракат қиламиз. Улар бу борада ўзига хос руҳий мадад беришади биз учун.

Юртимиздаги барча бувижону онажонларни, опа-сингилларимизни 8 март байрами билан табриклайман. Улар ҳамиша соғ-саломат бўлишсин. Ўйлаган ниятлари амалга ошсин. Биз, спортчилар галабаларимиз билан уларни хурсанд этиб юрайлик. Ҳамма-ҳаммага яхшиликлар насиб бўлишини тилайман.

**Санжар Турсунов,**  
футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси,  
мамлакатимизда 2012 йилнинг энг яхши футболчиси

## Дунёдаги энг яхши инсонга

Аммажон! Сиз дунёдаги энг яхши аёлсиз! Онажоним вафот этганидан сўнг сиз биз учун суянч, меҳр тоғи, юпанч бўлиб қолдингиз. Болаларингиз қатори болангиздек суйдингиз, улардан кам кўрмадингиз, янгажоним ва акажонимдан ёдгорларим деб ардоқладингиз. Сизнинг олдингизда ҳамиша ўзимни қарздор ҳисоблайман.

Ука-сингилларим ҳали ёш. Аммо улар ҳам сизнинг ким экангизни, қандай инсонлигингизни ҳис қилишади.

Амма, аммажон! Байрамингиз баҳона ўзингизга айтолмаган гапларимни ёзсам, дедим... Байрамингиз қутлуғ бўлсин. Ҳали узоқ йиллар яшаб, фарзандларингиз ва бизнинг камолимизни кўриб юринг, дейман.

**Дўстмурод Абдурахимов,**  
Каттакўрғон тумани



## Баҳорний кайфият ёр бўлсин

Баҳорнинг илк кунларида дунёдаги энг гўзал байрамлардан бири бўлмиш 8 март — Халқаро хотин-қизлар кунини кенг нишонлаймиз. Бу кун азиз аёллар, мунаввар оналар ва опа-сингилларимиз ҳақида илиқ, дилдаги самимий тилакларни изҳор этишнинг айни мавриди. Аслида-ку, аёлни ардоқлаш, унга ширин сўз айтиш, гамхўрлик кўрсатиш каби эзгу ишлар учун вақт танланмайди. Чунки аёл ҳаётимиз, ер юзида яшаётган ҳар бир инсон бахту иқболнинг сарчашмаси ҳисобланади. Она алласи ила вояга етамиз, тақдиримизни аёл билан боғлаймиз, қувончли кунларимизда ҳам, маҳзун дақиқаларда ҳам аёл доимо ёнимизда тиргак бўлади. Демак, ҳаётимизни аёлсиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Мен байрам муносабати билан барча оналаримизга баҳорний кайфият ёр бўлсин, дейман. Бахтимизга доимо соғ-омон бўлинг, азиз аёллар.

**Отабек Кўзиев,**  
Тошкент педиатрия-тиббиёт институти  
катта илмий ходими, ёш тадқиқотчи-олим

Аёл борки, олам мунаввар.



# Имконият интилангани

«Kamolot» loyihalari

Бу йил «Менинг бизнес ғоям» танловига қирқ минг нафардан ортиқ касб-ҳунар коллежлари битирувчилари, «Ёш тадбиркор — юртга мададкор», «Ёш тадбиркор — келажакка пойдевор» лойиҳаларига эса беш мингдан зиёд ёшлар қамраб олинади. Бу ҳақда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгашида «Ёшларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг жалб қилишда ҳамкорликнинг истиқболлари» мавзuida ўтказилган давра суҳбатида маълум қилинди.

Ёшларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, уларнинг бизнес ғояларини қўллаб-қувватлаш ва имтиёзли микрокредитлар билан таъминлашга кўмаклашиш, тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш «Камолот» ЁИХнинг асосий вазифаларидан саналади. Шу сабаб Ҳаракат ёшларни, айниқса, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини турли тадбирлар орқали тадбиркорликка жалб этмоқда. Улардан бири «Ёш тадбиркор» консультатив марказлари фаолиятининг йўлга қўйилганидир. 2012 йилда ушбу марказларнинг сони 22 тага етди. Уларда фаолият кўрсатиш учун қирқдан ортиқ бизнес тренерлари тайёрлан-

ди. Жойларда бизнес тренерлари томонидан етти юз мингдан ортиқ ёшларга 650 га яқин семинар-тренинглар, давра суҳбатлари ва учрашувлар ташкил этилди.

— Ёшларни тадбиркорликка жалб қилиш бўйича амалга ошираётган лойиҳаларимиз кўлами ошиб бораёпти, — дейди «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгаши бўлим мудирини Фазлиддин Баркашбоев. — Ҳамкорларимиз сони ҳам ортмоқда. Ўтган йили «Менинг бизнес ғоям», «Ёш тадбиркор — юртга мададкор», «Ёш тадбиркор — келажакка пойдевор» лойиҳаларини бешта тижорат банки билан ҳамкорликда амалга оширган бўлсак, бу йил уларнинг сони яна ўн е-



титага кўпаймоқда. Шунингдек, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси қошидаги «Ўзбекистон бизнес форуми»ни ҳам ҳамкорликка чақиряпмиз. 2012 йил «Менинг бизнес ғоям» танловида қатнашган 28 мингдан зиёд академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг 298 нафарига тижорат банкларида имтиёзли фоизларда 1,5 миллиард сўмдан зиёд, «Ёш тадбиркор — юртга мададкор» лойиҳаси иштирокчиларининг 1611 нафарига 11,2 мил-

лиард сўм, «Ёш тадбиркор — келажакка пойдевор» танловида эса 124 нафар ёшга 1,2 миллиард сўмга яқин имтиёзли микрокредитлар ажратишга кўмаклашилди.

Тадбир давомида «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ҳамда тижорат банкларининг масъул ходимлари бу йил ёшларни, айниқса, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини кичик бизнес ва хусусий тад-

биркорликка жалб қилиш борасида амалга оширилиши муҳокама этиб, тегишли қарор қабул қилишди.

Ҳаракат томонидан амалга оширилаётган янги лойиҳалар тўғрисидаги маълумотларни [www.kamolot.uz](http://www.kamolot.uz) ҳамда [www.yoshtadbirkor.uz](http://www.yoshtadbirkor.uz) сайтидан ҳам олишингиз мумкин.

**Рустам ЮСУПОВ,**  
«Turkiston» мухбири.  
Сардор Муллажонов  
олган сурат



## Фаол, ҳаракатчан, жонкуяр

Жиззах вилоятининг Фориш туманида юксак муваффақиятларга эришган ёшлар кўп. Масалан, 59-мактаб ўқувчиси Шохрўз Сатторов «Янги авлод» болалар ижодиёти фестивалининг республика босқичи ғолиби. У ясаган радиоприёмник ушбу фестивалнинг рационализаторлик йўналишида юқори баҳоланган эди. Бундан ташқари, Шодиябегим Шарофий, Жавоҳир Эгамбердиев, Сабрина Жонибекова, Жаҳонгир Сайфиддинов каби ёшлар «Келажак овози — 2012» мегатанлови республика босқичи иштирокчиларидир.

Бекзод Ихтиёров 2008 йилдан буён Ҳаракатнинг туман кенгаши раиси вазифасида ишлаб келмоқда. Форишлик ёшлар Бекзодни яхши танишади. «Камолот»чимиз фаол, ҳаракатчан, жонкуяр йигит-да, деб мактаб қўйишади ёши катталар орқаворатдан. Бешолти йилдан бери ишляптими, демак, туман жамоатчилиги ҳам бу тажрибали ёш расисга ишонади ва кўпчилик тадбирларни унинг иштирокисиз тасаввур этолмайди.

Туман ёшларининг турли танловларда ютуқларни қўлга киритаётганлигида «Камолот»чиларнинг алоҳида ўрни бор. Туман кенгаши ходимлари интилувчан ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга ҳаракат қилишади. Ай-

ниқса, туман кенгаши қошида «Ёшлар ижтимоий хизматлари» маркази фаолият кўрсатаётганлиги қувонарли. Негаки, туман маркази ва атрофдаги қишлоқлардан келиб, ушбу марказдаги тўғарақларга қатновчи ўқувчилар керакли билим ва кўникмага эга бўлмоқдалар.

— Марказимизда иккита тўғарақ фаолият кўрсатади, яъни «Компьютер саводхонлиги» ва «Ёш чеварлар» тўғарақлари, — дейди туман кенгаши раиси Бекзод Ихтиёров. — Чарос Эргашева раҳбарлик қилаётган «Ёш чеварлар» тўғарагининг 25 нафар аъзоси, Фани Курбонов раҳбарлик қилаётган «Компьютер саводхонлиги» тўғарагининг 10 нафар аъзоси бор. Улар дарсдан бўш вақтларида ушбу марказга қатнаб, ҳам ҳунар, ҳам компьютерда ишлашни ўрганишади. Бу ёшларнинг мақсадлари жуда улкан. Уларнинг ана шу орзу-интилишлари бизга ҳам куч-қувват, шижоат бағишлайди.

Фориш маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Озода Иброҳимова, 1-мактаб ўқувчиси Мафтуна Олтинбекова «Ёш чеварлар» тўғарагининг фаол аъзоларидир. Эндиликда тикиш-бичишга анча қўли келиб қолган бу қизларнинг тиккан буюмлари тўғарақ раҳбарига, тенгдошларига ҳам жуда маъқул бўлмоқда.

— Бу марказда фақат тўғарақ машғулотлари билангина чекланиб қолмаймиз, — дейди Чарос Эргашева. — Тўғарақ аъзолари ҳамда туман ёшлари иштирокида «Касбим — фخرим» мавзuida давра суҳбатлари, «ОИТС ва гиёҳвандлик — аср вабоси» мавзuida расмлар танлови каби қизиқарли тадбирлар ҳам ўтказиб турилади. Бу билан биз уларнинг маънавий оламини ҳам бойитишга ҳисса қўшган бўламиз. Келажакда ўзим тайёрлаган шогирдларим билан биргаликда тикувчилик ва тўқувчилик цехини очмоқчиман. Бу йўлда менга, албатта, «Камолот» суянчиқ бўлади.

**Шоди ОТАМУРОД,**  
«Turkiston» мухбири



## Тажриба ва замонавийлик уйғун

Собиржон Дадабоевнинг фаолияти ёш авлод тарбияси билан боғлиқ. 1974 йилда педагогик фаолиятини оддий ўқитувчиликдан бошлаган Собиржон Фарғона туманидаги таълим муассасаларида раҳбар лавозимларда ишлади. Айни кунда Фарғона тумани компьютер технологиялари касб-ҳунар коллежида директорнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари лавозимида фаолиятини давом эттиряпти.

2009 йилда ташкил этилган мазкур коллежда 1097 нафар йигит-қиз тўрт йўналишда таълим олади. Таълим масканида ўқувчиларнинг бўш вақтини мазмунли банд этиш мақсадида 21 та умумтаълим, 8 та махсус фанлар бўйича тўғарақлар ва 9 та спорт секцияси фаолияти йўлга қўйилган. Улар орасида Дилдора Йўлдошева раҳбарлигидаги «Инглиз тилини ўрганамиз», Исмоилжон Соҳибов бошқараётган «Ёш физик», Абдуборий Маллабоевнинг «Иқтисодчи» тўғарақлари ҳамда белбоғли кураш, қўл тўпи, волейбол ва стол тенниси каби спорт секцияларига ўқувчиларнинг қизиқишлари катта. Ушбу фанлар ва спорт йўналишлари бўйича коллеж ўқувчиларининг турли танлов ва мусобақалардаги кўрсаткичлари ҳам таҳсинга лойиқ.

Ўқув юртида Собиржон Дадабоев гуруҳ раҳбарлари ва ота-оналар ўртасида мунтазам ҳамкорликни йўлга қўйишга эришган. Бу ўқувчиларнинг фанларни ўзлаштириши, давомати яхши бўлиши, шунинг баробарида, ўз соҳаси бўйича етук мутахассис бўлишига асос бўлади.

**Нодиржон ЮСУПОВ,**  
«Turkiston» мухбири

**СУРАТДА:** Тажрибали устоз С. Дадабоев гуруҳ раҳбарларига ўқувчилар билан ишлаш бўйича тавсия берапти.

*Аёли бор қўй — қилдиқ, аёлисиз қўй қилдиқ*



### «Kamolot» tuhfasi

Халқаро хотин-қизлар кунига бағишлаб Сурхондарё вилоят «Камалак» болалар ташкилоти ташаббуси билан барча туман ва шаҳарлардаги таълим муассасаларида «Онажон мўътабар» лойиҳаси ўтказилди.

## Мўътабарсиз, мукаррамсиз!

Лойиҳа доирасида Термиз шаҳридаги Маннон Уйғур номидаги мусиқали драма театрида байрам тадбири ташкил этилди. Унда Термиз шаҳридаги касб-хунар коллежлари ва Термиз давлат университетида таҳсил олаётган фаол, иқтидорли талаба-қизлар иштирок этди. Хушовоз санъаткорлар ижросида концерт дастури намойиш этилди.

Иштирокчиларга «Камолот» ЁИХ вилоят кенгаши томонидан табрикномалар тақдим этилди.

\* \* \*

Сирдарё вилояти Боёвут туманида ҳам «Онажоним мўътабар» лойиҳаси доирасида «Мушоира этади давом» мавзусида тадбир ташкил этилди. Тадбир давомида тумандаги фаол қизлар иштирокида танлов ўтказилди. Унда иштирокчи қизлар таништирув, савол-жавоб, эркин мавзу ва мушоира баҳси шартлари бўйича ўзаро беллашди. Барча шартлар шеър тарзда намойиш этилди. Қизлар биргина мушоира баҳсида адабиётимиз намояндалари ижодидан ёд олган шеърларидан намуналар ўқишди.

Рустам ҚҮЧҚОРОВ

8 март — Халқаро хотин-қизлар кунини муносабати билан Юнусобод туманидаги «Зебузар» ресторанида «Оила — муқаддас қўрғон, аёл унинг чиройи» шиори остида маънавий-маданий байрам тадбири бўлиб ўтди.

## Оила — муқаддас, аёл унинг чиройи

Юнусобод туман ҳокимлиги, туман хотин-қизлар кўмитаси, Маънавият тарғибот маркази туман бўлими, «Камолот» ЁИХ туман кенгаши, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлими, «Нуроний» жамғармаси ҳамда маданият ва спорт ишлари бўлими ҳамкорлигида ташкил этилган байрам тадбири аёлларга муносиб совға бўлди.

Н. АБДУРАҲИМОВА,  
Республика Маънавият тарғибот маркази  
Юнусобод тумани бўлими раҳбари

## Дўстлик мустаҳкамланди

Термиз шаҳар «Камалак» болалар ташкилоти томонидан шаҳардаги 11-мактабда умумтаълим мактабларининг 10 ёшдан 14 ёшгача бўлган ўқувчилари ўртасида «Камалак» билимдонлари» кўрик-танловининг шаҳар босқичи ўтказилди. Унда шаҳардаги иккита ихтисослаштирилган мактаб-интернат ва 16 та мактабнинг ўқувчилар жамоалари иштирок этди.

Жамоалар кўрик-танловда тўрт шарт бўйича билим ва зукколикларини намойиш этишди. Таништирув, сахна кўриниши, савол-жавоб, ижтимоий лойиҳа шартлари ўқувчиларнинг иқтидорларини синондан ўтказиш баробарида улар қалбидаги дўстлик, ҳамжиҳатлик

туйғуларини мустаҳкамлади. Тўртинчи — ижтимоий лойиҳа шarti ўқувчиларнинг инноваторлик салоҳиятини аниқлаш ва баҳолашда муҳим аҳамият касб этди. Бу шарт орқали иштирокчилар ўз ғоялари, уларни амалга ошириш тизими, долзарблиги, иж-

тимоий аҳамиятини шарҳлаш имконига эга бўлишди.

Кўрик-танлов сўнггида голиб жамоа номи маълум бўлди. Унга кўра, 11-мактабнинг «Камалак» жилolari» жамоаси биринчи ўринни эгаллади ва кўрик-танловнинг вилоят босқичига йўллангани кўлга киритди. Голиб жамоа ва фаол иштирокчиларга «Камолот» ЁИХ Термиз шаҳар кенгашининг совғалари тақдим этилди.

Жавоҳир КАРОМАТОВ,  
«Turkiston» мухбири



Байрам болалар билан яна ҳам ўзгал бўлиб кетади

Мунис ва меҳрибон онажонлар байрами таълим муассасаларида ҳам кўтаринки кайфиятда тантана қилинмоқда. Пойтахтимиздаги 81-мактабда онажонлар байрами шўх куй-кўшиқлар, бир-биридан бетакрор шеърлар, гўзал рақслардан иборат сахна кўринишлари, концерт дастури билан нишонланди.

Сардор МУЛЛАЖОНОВ фотолавҳаси

## Аёл — жамият таянчи

Мамлакатимизда оила бекаси, фарзандларининг меҳрибон онаси бўлиш билан бир қаторда, жамият тараққиётининг турли соҳаларида самарали меҳнат қилаётган ва катта муваффақиятларга эришаётган аёллар кўпчиликини ташкил қилади. Мана, саккиз йилдирки, турли соҳаларда фаолият юритиб келаётган ана шундай аёлларни «Аёллар кенгаши» республика жамоат бирлашмаси қўллаб-қувватлаб, рағбатлантириб келмоқда.

«Аёллар кенгаши» РЖБ, Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш фонди, «Меҳр нури» жамоат жамғармаси, «Ҳаёт учун!» кўкрак беги саратони миллий уюшмаси аёлларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган туркум тадбирларни ўтказиб, жамиятда хотин-қизлар фаоллигини оширишга бағишланган фаолиятга катта ҳисса қўшмоқда. Шу кунга қадар турли лойиҳалар ва акцияларда 3 миллионга яқин аёллар иштирок этди. Тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш мақсадидаги «Оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган грантлар» дастури, аёллар бандлигига ҳисса қўшишга қаратилган дастурлар, «Фермер аёлларга

микромоллиявий заёмлар ажратиш» лойиҳаси, аёлларга ҳуқуқий ва руҳий кўмак кўрсатиш тадбири, «Йил аёли» миллий танлови, «Соғлом она — соғлом фарзанд» лойиҳаси, «Оила саломатлиги» лойиҳаси, вилоятларда аёлларни бепул тиббий кўриқдан ўтказиш, кўкрак беги саратонига чалинган аёлларни кимёвий препаратлар билан таъминлаш ва бошқалар шулар жумласидандир.

Пойтахтдаги «Наврўз» ресторанида бирлашма ташаббуси билан 8 март — Халқаро хотин-қизлар кунини ҳамда ташкилотнинг саккиз йиллигига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Тадбирда «Аёллар кенгаши» республика жамоат бирлашмасининг ҳамкорлари, вилоятлар-

даги бўлимлари вакиллари, жамиятимиз равнақига ҳисса қўшаётган аёллар, жамоат арбоблари, олимпиа шифокорлар, мураббия ва педагоглар ҳамда бошқа соҳа вакиллари иштирок этди.

Залга кираверишда мамлакатимизнинг турли вилоятлари анъаналарига хос услубда тикилган тўй либосларини жамлаган «Тикланиш» экспозицияси ва «Ўзбекистон замонавий рассомчилигида аёл образи» мавзусидаги кўрғазма намойиш этилди. Бу кўрғазмадан Акмал Нур, Хуршид Зиёхонов, Леким Ибрагимов, Ғайрат Ибрагимов, Ғофур Қодиров, Содиқ Раҳмонов, Чингиз Аҳмаров, Шаҳноз Абдуллаева сингари мусаввирларнинг аёлларга аталган энг яхши асарлари ўрин олди.

Байрам дастурида ўзбек эстрадаси юлдузлари ўз кўшиқлари билан йиғилганларга кўтаринки кайфият бағишлади.

Манзура БЕКЧОНОВА,  
«Turkiston-пресс»

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Самарқанд вилояти кенгаши томонидан вилоят «Ёшлар маркази»да иқтидорли қизлар иштирокида «Аёл дунёни тебратади!» мавзусида конференция ташкил этилди.

## Фаол қизлар конференцияси

Уни «Камолот» ЁИХ вилоят кенгаши раиси Алишер Норбоев табрик сўзи билан очиб берди. Шундан сўнг конференцияда сўзга чиққан иқтидорли ва истеъдодли қизлар аёллар манфаатларини ҳимоя қилишда ва уларнинг жамиятдаги ўрнини янада юксалтиришда жамоат ташкилотларининг роли ҳақида, шунингдек, аёлларнинг ҳуқуқий билимини ошириш — оилалар мустаҳкамлиги кафолати эканлиги ҳамда хотин-қизларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш орқали оилавий тадбиркорликни ривожлантириш борасида ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди.

«Аёл дунёни тебратади!» вилоят иқтидорли қизлар конференциясида фаол иштирок этган, нотиклик қобилиятини намойиш этган ўқувчи ва талаба-қизлар «Камолот» ЁИХ вилоят кенгаши томонидан фахрий ёрлиқлар билан тақдирланди.

Жасур РАҲМОНОВ,  
«Turkiston» мухбири

Аёлни сева билмаган одам дунёнинг энг ўзгал сирларидан беҳабар ўтади.



## Chehralarda ko'klam sururini



### АЁЛ!

Сен гўзал туйғусан. Мудом диллар ардоғида, муҳаббатнинг қароғида, соғинчу фироқларнинг етиб бўлмас адоғида яшайсан. Дунёдаги жамики мунаввар туйғуларнинг энг аълоси ўзингсан, асли. Неча диллар кўшиқда орзу ёхуд ушалмаган армонсан.

### Boqiy hikmatlar

Жондин сени кўп севармен, эй умри азиз,  
Сондин сени кўп севармен, эй умри азиз.  
Ҳар ненки севмак ондин ортиқ бўлмас,  
Ондин сени кўп севармен, эй умри азиз.

Алишер Навоий

Эркаклар амалга оширган барча  
эзгу ишлар аёлларга бўлган муҳаббат  
туфайли бунёд бўлган.

Ромен Роллан

Агар аёл истаса, чўққидан ҳам  
ошиб ўта олади.

Япон мақоли

Аёл қалбига элтадиган  
сўқмоқлар ичида энг қисқаси —  
меҳр-шафқат сўқмоғидир.

Жорж Байрон

# Аёл!..

Сени деган юраклар ҳаққириб кетар, билсанг азиз дийдоринг интизорликдан халос этар. Сен ёвузлар кўнглида қаҳр, озурда жонлар тубида сабр, эзгуликка интилган қалбларда эса меҳр бўлиб яшайсан.

### АЁЛ!

Сен ширин кулгисан. Турфа анбар гулу чечаклар юзидаги латиф табассум. Тоғлар кўйнидаги шўх шалола кулгисидек жарангдор кулгиларинг мудроқ дилларни уйғоқ этади. Кўнгилга баҳорий нафаслар, кўкламдаги қадимги саслар навосини элтади. Маҳзун нигоҳлар чеҳраи маҳвашингга тикилган замон дунёнинг бор қувончу шодликларига ошно бўлганидек, барча қайғуларидан халос бўлади. Сен дунёни яшартириб, бахтлар ато этгувчи сеҳр бўлиб яшайсан.

### АЁЛ!

Сен ҳаётбахш, ёрқин нурсан. Яхшилиқни билмаган, гўзалликни сезмаган муз дилларга нур бўлиб иниб, эзгулик, меҳр ниҳолларини кўкартиргувчи ширин муждасан. Ҳар қатимида оташин тафт улашгувчи, қаро зулмат зулми билан курашгувчи, «қалб гавҳари» деб аталгувчи номга ярашган нурсан.

### АЁЛ!

Сен мўъжизалар ичра яратилган ҳилқатсан. Сенда табиатнинг бор мўъжизаси мужассам. Шу сабаб, балки у сингари мўъжизакор кучга эгадирсан. Гоҳ денгиз мавжларидек қудратли, гоҳ кузги тиниққан сойлардек сокин, гул баргида титраган шабнамдек нозик қалбнинг соҳиби, сенга илҳақ ва сени севгувчи кўнгиллар моҳитоби, оламни мунаввар айлаган ҳаёт офтоби сендурсан фақат!

Вазира ИБРОҲИМОВА,  
ЎзДЖТУ талабаси

Dil izhori

1 savolga 1 javob



Яқинда тиббиёт коллежини тугатаман. Тошкент тиббиёт академиясининг олий ҳамширалик факультетига ўқишга кирмоқчиман. Эшитишимча, ушбу йўналишга талабгор абитуриентлардан амалий имтиҳон олинар экан. Ана шу имтиҳон тартиблари ҳақида батафсил маълумот берсангиз.

Наргиза Жўраева, Пахтачи тумани

**Саволга Тошкент тиббиёт академиясининг ўқув ишлари бўйича проректори Октябрь Тешаев жавоб беради:**

— Тошкент тиббиёт академиясининг олий ҳамширалик ихтисослигига ҳар йили юз нафар талаба қабул қилинади. Ушбу таълим муассасасида талабалар уч йил давомида таҳсил оладилар. Тиббиёт коллежларининг ҳамширалик, фельдшерлик, акушерлик йўналишларини тугатган абитуриентларидан ҳужжатлар қабул қилинади. Абитуриентлар тест синовларидан олдин, 25-30 июль кунлари ихтисослик бўйича коллежда олган амалий ва назарий билимлари бўйича синовдан ўтказилади. Бунда абитуриентларнинг укол қилиш, томчи дори қўйиш, дори тарқатиш, касаллик варақалари билан ишлаш кўникмалари текширилади. Амалий ишлар назарий жиҳатдан ҳам шарҳлаб берилиши муҳим талабалардан бири ҳисобланади. Малакали мутахассислардан иборат ҳайъат аъзолари талабгорларнинг билимларини максимал 76,2 балл даражасида баҳолаб борадилар. Ушбу имтиҳон шартлари акс этган ахборотнома бир ой олдин қабул комиссиясининг эълонлар тахтасига осиб қўйилади.

Мазкур йўналишга ҳужжат топширган абитуриентлар ушбу имтиҳондан кейин фақат кимё, она тили ва адабиёт фанларидан тест синовлари топширадилар. Амалий имтиҳондан олинган баллар эса, тест синовларидан олинган баллар билан ҳисобланиб эълон қилинади.

Дилбар ХУДОЙБЕРДИЕВА тайёрлади